



Муфтий ҳазратлари халқаро кенгаш аъзоси бўлди

2024 йил 30 январь куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Мусулмон донишмандлар кенгаши аъзоси қабул қилинди.

Муфтий ҳазратларининг Саудия Арабистони, Миср Араб Республикаси, Туркия, Озарбайжон, Германия, Қирғизистон, Қозоғистонда ўтказилган халқаро анжуманларда диний-маърифий

ислохотлар ва мўмин-мусулмонларни қийнаётган муаммоларга ечим сифатида илгари сурган таклифлари халқаро майдонда юқори баҳоланган.

Мусулмон донишмандлар кенгаши мустақил халқаро ташкилот бўлиб, 2014 йил 18 июль (1435 йил Рамазон) ойда ташкил этилган. Бош қароргоҳи Бирлашган Араб Амирликлари пойтахти Абу Даби шаҳрида жойлашган. Миср Араб

Республикаси Бош имоми, “ал-Азҳар” мажмуаси раҳбари доктор Аҳмад Тоййиб ушбу Кенгаш бошқарувининг раиси ҳисобланади.

Кенгашнинг асосий мақсади мусулмон оламида тинчликни тарғиб қилиш, инсонпарварлик қадриятлари ва бағрикенглик таъмоилларига таҳдид солувчи низоларни биргаликда бартараф этишдир.

2-бетда

Бугуннинг гапи

Вақт – бебаҳо неъмат. Ундан ўз ўрнида фойдалансангиз олтиндан ҳам қиммат, агар беҳуда ўтказсангиз, ўрнини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам инсон ҳаётининг ҳар бир лаҳзасидан унумли фойдаланиши, уни яхши амалларга сарфлаши вожибдир.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қиладилар: **“Қиёмат кунинда банданинг қадами то тўрт нарсадан сўралмагунча жойидан жилмайди: умрини қандай**

“Ўзга дамни дам дема...”

ўтказгани, ёшлигида нима қилгани, молини қаердан топиб, нимага сарф қилгани, илмига қай даражада амал қилгани ҳақида” (Имом Термизий ривояти).

Ота-боболаримизнинг ҳаёт йўлларида назар ташласак, улар вақтни тўғри тақсимлашга, ундан оқилона фойдаланишга катта эътибор берганлар. Тонгни тоат-ибодатга сарфлаб, Аллоҳ таолодан хайр-барока, куннинг унумини сўраганлар, қолган қисмини ҳам фойдали меҳнатга

бағишлаганлар. Шу боисдан ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай марҳамат қилганлар: **“Аллоҳим, умматининг тонгига барака бергин”** (Имом Абу Довуд ривояти).

Албатта, чошгоҳ вақтигача ўринда ётиш, вақтни ғафлатда ўтказиш билан баробар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қизлари Фотима онамизнинг уйи олтидан ўтаётган эдилар.

7-бетда

Тарих тилсими

Муҳаммад Тақий Усманий ҳафизахуллоҳ куйидагиларни ёзади: «Қаҳф сурасида бир неча солиҳ йигит золим подшоҳдан қочиб, ғорга яширингани зикр этилган. Бу ҳодисанинг қачон ва қаерда бўлгани ҳақида уламолар турли фикрларни билдиришган. Тадқиқотчиларнинг хулосаларига кўра, “Асҳобул қаҳф” воқеаси милодий 100–300 йиллар оралиғида бўлиб ўтган. Олим ва тадқиқотчилар ғорнинг қаерда жойлашгани ҳақида кўплаб изланишлар олиб боришган. Баъзилар уни Туркиянинг Эфес шаҳрида жойлашган деса, бошқалар Испаниядаги ғорлардан бирида, дейди. Иордания, Сурия ва Яманда экани ҳақида ҳам тахминлар бор.

“Асҳобул қаҳф” ғори қаерда?

Иорданиялик тадқиқотчи, “Шариат” журнали муҳаррири Муҳаммад Тайсир Зибян “Асҳобул қаҳф” ғорининг жойлашуви китобида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган. Унинг сўзларига кўра, “Асҳобул қаҳф” ғори Уммон яқинидаги тоғли ҳудуддан топилган.

Тайсир 1953 йилда Уммон яқинидаги тоғда ғор борлиги ҳақида

хабар топади. Тайсир ўша ғорни бориб кўргач, у ерда қабрлар, жасадлар ва масжид ҳам бор экани аён бўлади. Сўнгра у Археологик топилмалар департаментига мурожаат қилади. Археолог Рафиқ Дажабий узоқ давом этган таҳлил натижаларидан сўнг мазкур ғорни “Асҳобул қаҳф” ғори деган хулосага келади.

3-бетда

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

✓ 30 январь. “Вақф” хайрия жамоат фонди пойтахтимиздаги хорижий тилларни ўргатишга ихтисослашган “Cambridge” ўқув маркази билан меморандум имзолади.

✓ 1 февраль. Диний соҳа ходимлари иштирокида 2023 йилда амалган оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар муҳокамасига бағишланган видеоселектор ўтказилди. Унга муфтий ҳазратлари раислик қилди.

✓ 1 февраль. Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан нашрга тайёрланган янги китоб ва рисоалар тақдимоти ўтказилди.

✓ 4 февраль. Ўзбекистон халқаро ислом академиясида “Инсоний биродарлик ва динлараро мулоқот – халқаро ҳамжиҳатлик омили” мавзусида халқаро илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

✓ 4 февраль. Абу Даби шаҳрида бўлиб ўтган Инсоний биродарлик кенгаши йиғилиши доирасидаги тадбирларда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари иштирок этди.

Мусулмоннинг қўрғони

«Асбаҳнаа ва асбаҳал мулку лиллаҳи Роббил ғаламийн. Аллоҳумма ас`алука хойра ҳазал йавми фатҳаҳу ва насроҳу ва нуруҳу ва барокатаҳу ва ҳудаҳу ва аъзузу бика мин шарри маа фийҳи ва шарри маа баъдаҳ».

Маъноси: “Биз ҳам, мулк ҳам оламлар парвардигори Аллоҳники бўлган ҳолда тонг оттирдик. Эй Раббим, бу куннинг яхшисини, фатҳ бўлишини, ғалабасини, нурини, баракасини, ҳидоятини сўрайман. Сендан бу куннинг ва бу кундан кейингисининг ёмонлигидан паноҳ тилайман” (Имом Абу Довуд ривояти).

«Аллоҳумма инний ас`алука ғилман нафийан ва ризқон тоййибан ва ғамалан мутақоббала».

Маъноси: “Аллоҳим, Сендан фойдали илм, покиза ризқ, қабул бўладиган амал сўрайман” (Имом Ибн Можа ривояти).

Расулulloҳ сомамоҳу алайҳи ва саманининг сифатлари

“


«Улар сифати ўзларидаги Таврот ва Инжилда ёзилган ўқиш-ёзишни билмайдиган пайғамбарга эргашганлардир. (У пайғамбар) уларни яхшиликка буюради, ёмонликдан қайтаради ва пок нарсаларни ҳалол қилиб, нопок нарсаларни уларга ҳаром қилади ҳамда уларнинг мушкулларини ва қийинчиликларини кетказди. Унга иймон келтирган, уни улуғлаган, унга ёрдам берган ва унинг рисолатлари билан бирга нозил қилинган нур (Қуръон)га эргашганлар, айнан ўшалар (охиратда) нажот топувчи кишилардир» (Аъроф сураси, 157-оят).

Бу ояти каримада Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тўққиз сифат билан сифатланган:

1–2) Расул ва Набий сифати. Аллоҳ таоло Ўзининг амрларини бандаларига етказиш учун танлаган бандалари шу сифатлар билан сифатланади;


3) ёзолмайдиган, ўқиёлмайдиган (уммий). Бу сифат Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг камчиликлари эмас, балки фазилатларидир. Муҳаққиқ уламолар айтадилар: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўқиш-ёзишни билганларида, олиб келган рисолатларини, Ислоҳ аҳкомларини аввалги китоблардан ўқиб ёки кимдандир таълим олиб айтаяпти, деб тухмат қилишган бўлар эди”;

4) Таврот ва Инжилда сифатларининг зикр этилиши;



- 5) яхшиликка буюришлари;
- 6) ёмонликдан қайтаришлари;
- 7) (яхудийларга ҳаром бўлган асл) пок нарсаларни ҳалол (истеъмол қилишга рухсат) қилишлари;
- 8) нопок нарсаларни ҳаром (баён) қилишлари;
- 9) қийинчилик ва машаққатларни аритишлари.

Авазбек ЖУМАБОВ,
“Қўқалдош” ўрта махсус ислом
билим юрти мударриси



فَاتَمِّجْ الْعِشْرَةَ امَّا الْعِشْرَةَ

«Бас, албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир. Албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир» (Шарҳ сураси, 5–6-оятлар).

Идора ҳаёти

1-бетда

Кенгашга Миср, Мавритания, Иордания, Индонезия, Саудия Арабистони қироллиги, Марокаш қироллиги, Нигерия, Гвинея, Ливан, Малайзия, Чад республикаси каби давлатларнинг нуфузли муслмон олимлари ва экспертлари аъзо бўлган.

Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратларига Муслмон донишмандлар кенгашидаги фаолиятларида куч-қувват ва улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Озарбайжонга сафар



Шу йил 24 январь куни Боку шаҳрида Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Кавказ муслмонлари идораси раиси Шайхуллом Оллоҳшукур Пошозода билан мулоқот

ўтказдилар. Муфтийлар икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик ва қардошлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, диний-маърифий соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш ва илм-фан соҳаларида ўзаро тажриба алмашишга оид масалаларга урғу қаратишди.

“Фотимаи Заҳро” жомеида

2 февраль куни Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги “Фотимаи Заҳро” жомеи масжидида жамоат билан жума намозини адо этдилар ва намозхонларга ҳар бир инсоннинг ҳаёт йўли ёшлик даврини қандай ўтказишига боғлиқ экани, шу боис бола ёшлигида тўғри тарбия олса, қимматли вақтининг қадрига етса, келажаги саодатли бўлиши ҳақида гўзал мавъиза қилиб бердилар.



Қарздан халос бўлиш дуоси

اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْهَمِّ وَالْحَزَنِ، وَالْعَجْزِ وَالْكَسَلِ، وَالْجُبْنِ وَالْبُخْلِ، وَضَلَعِ الدَّيْنِ وَغَلَبَةِ الرِّجَالِ

Ўқилиши: **“Аллоҳумма инний аъзу бики минал ҳамми вал ҳазани вал аъжзи вал касали вал жубни вал бухли ва золаъид-дайни ва ғолабати-рижали”**.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Аллоҳим, мен сендан ташвиш, маҳзунлик, ожизлик,**

дангасалик, бахиллик, қўрқоқлик, қарз юки ва одамларнинг ғолиб келишидан паноҳ сўрайман”, деб дуо қилар эдилар» (Имом Бухорий ривояти).

اللَّهُمَّ اكْفِنِي بِحَلَالِكَ عَنْ حَرَامِكَ، وَأَغْنِنِي بِفَضْلِكَ عَمَّنْ سِوَاكَ

“Аллоҳуммак финий биҳалаалика ʻан ҳароомика ва ағниний бифазлика ʻамман сиваак”.

«Бир куни Али розияллоҳу анҳунинг олдида мукотаб (хожаси билан маълум маблағ ёки хизмат эвазига

озод бўлишга келишиб олган) қул келиб: “Келишилган маблағни топиб беролмаяпман, ёрдам беринг” деди. Али розияллоҳу анҳу: “Сенга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга ўргатган калималарни ўргатиб қўяйми? Агар зиммангда (Ямандаги) Сабийр тоғича қарз бўлса ҳам, Аллоҳ ундан сени қутқаради. **“Аллоҳим! Менга ҳалолинг ила ҳаромингдан кифоя қил. Ўз фазлинг ила мени Ўзингдан бошқалардан беҳожат қилгин”**, деб айт”, деди» (Имом Термизий ривояти).

Тарих тилсими

“Асҳобул қахф” ғори қаерда?

1-бетда

1961 йилда қазилма ишлари бошланди. Янги топилмалар хулосани тасдиқлади. Жумладан, қуйидагилар аниқланди:

— ғорнинг оғзи жанубда жойлашган бўлиб, ёруғлик унга тўғридан-тўғри эмас, балки қуёш чиқиши ва қуёш бо-тиши пайтида тушади. Ғорнинг ичи-да ёруғлик тушадиган ва шамол кезиб ўтадиган қулай кенглик бор. Бу Қуръони карим оятига мувофиқ келади: **«Қуёш чиқишида ғорларининг ўнг тарафидан ўтиб кетганини, ботишида эса уларнинг чап томони бўйлаб йироқлашиб кетганини, улар эса ҳамон унинг кенг бағрида эканларини кўрасиз...»** (Қахф сураси, 17-оят);

— ғорнинг қоқ тепасида Византия услубида тошдан ўйиб ясалган масжид бор. Бу ҳам Қуръони карим оятига мувофиқ келади: **«Уларнинг устидан ҳукмронлик қилаётганлар** (янги иймонли шоҳ ва сарой аъёнлари): **“Албатта, биз улар (Асҳоби қахф қабри) узра бир масжид қуриб олурмиз”, дейишди**» (Қахф сураси, 21-оят). Археологларнинг айтишича, бино дастлаб Византия ибодатхонаси бўлган. Абдулмалик ибн Марвон даврида масжид сифатида фойдаланилган;

— ғордан Троян даврига оид тангаларнинг топилиши мазкур ғорнинг “Асҳобул қахф” ғори эканига ишончли далилдир. Тадқиқотчиларнинг фикрича, милодий 98–117 йилларида ҳукмронлик қилган Рим императори Троян бутпараст подшоҳ бўлган. Йигитлар унинг зулмидан қочиб ғорга яширинишган;

— жониворнинг жағ суяги топилган. Тайсирнинг сўзларига кўра, у ғор соҳибларининг итларига тегишли.

“Рақим” нима?

«Балки “Қахф” ва “Рақим” эгаларини Бизнинг мўъжизаларимизнинг энг ажойибидан, деб ҳисоблагандирсиз?» (Қахф сураси, 9-оят). Оятдаги “Рақим” сўзи борасида турли фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Баъзи уламолар фикрича, у мазкур йигитларнинг номлари ёзилган ғор оғзидаги “битик” дир. Замонавий тадқиқотчиларнинг фикрича, “Рақим” — ўша ғор яқинидаги қишлоқ номи.

Ғордан атиги юз метр нарироқда Ражиб қишлоғи бор. Археолог Рафиқ Дажанийнинг фикрича, Ражиб — “Рақим”нинг ўзгартирилган шаклидир. Чунки шу ерлик аҳоли (бадавийлар) “к” ҳарфини “ж”, “м” ҳарфини “б” деб талаффуз қилишади. Мазкур изланишлардан сўнг Иордания ҳукумати ушбу қишлоқни расман “Рақим” деб атаб бошлади. Х асрда яшаган машҳур географ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад Муқаддасий “Минтақалар ҳақидаги билимларнинг энг яхши таҳлили” китобида: “Рақим — Иорданиянинг шарқида, Уммон яқинида жойлашган бўлиб, у ерда қоқсуяқдан иборат жасадларни ва қабрларни ўз ичига олган ғор бор”, деб ёзган.

Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳу билан боғлиқ машҳур ривоят ҳам бор. Унда айтилишича, Абу Бакр розияллоҳу анҳу Византия императори, Сурия ва Ҳижоз бошлиқларига юборган қўшин мазкур ҳудуд яқинидан кесиб ўтган. Улар Рақим тоғидаги ғорда ҳали гўшлари суякларидан ажрамаган жасадларга гувоҳ бўлишган.

Ғор Уммондан тахминан 10 чақирим жанубда ва Ақобадан Уммонга олиб борувчи асосий қатнов йўлидан

3 чақирим узоқликда жойлашган. Ғорнинг шарқий ва ғарбий қисмларида тобутга ўхшаш саккизта қабр бор. Шарқий қисмда жойлашган қабрнинг кичик тешиги бўлиб, ундан одам жасади аниқ кўриниб туради.

Ғорнинг шимолий девори яқинидаги шкафта шу ердан топилган тангалар, сопол идишлар, марварид-маржон, мис тароқ ва узуклар кўргазма сифатида қўйилган.

Ғор тепасидаги қадимий масжиднинг деворлари ва меҳробини бемалол кўриш мумкин. У ерда баландлиги 1,5 метр келадиган кичик бир хона бўлиб, унинг томида азон айтилган бўлиши ҳам мумкин.

Мутахассислар юқоридагиларга асосланиб, ғор устидаги ибодатхона дастлаб византияликлар томонидан қурилган, кейинроқ (эхтимол, Абдулмалик ибн Марвон даврида) масжидга айлантирилган, аммо бино ҳажми кенгайтирилмаган, деган хулосага келишган.

Ҳозир Иордания археология ва мол-мулк департаменти ғорни сақлашга алоҳида эътибор беради. Зиёратчиларга қулайлик яратиш учун ғор яқинида янги масжид қурилиб, йўл ҳам ётқизилган».

Муҳаммад Тақий Усманийнинг
шу номли мақоласидан
Мавжуда АБДУЛЛОҲ қизи
таржимаси



Масала

Динда саволим бор...

САВОЛ: “Аллоҳумма антас-салам...” зикрини аср намози каби ортида суннат намозлари бўлмаган фарзлардан кейин ҳам айтиладими?

ЖАВОБ: Алоуддин Косоний раҳимаҳуллоҳ “Бадоеъус саноеъ” китобида бундай дейди: «Имом салом бериб намозни тугатгач, агар у ўқиган намози бомдод ва аср каби ортида суннат намози бўлмаса, хоҳласа туриб кетади, хоҳласа, жойида ўтириб, дуо билан машғул бўлади. Ойша розияллоҳу анҳодан қилинган ривоятда “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоздан фориғ бўлгач: **“Аллоҳумма антас салам ва минкас салам табарокта я зал жалали вал икром”**, дер эдилар”, дейилган».

«Имом намозини тугатгач, хоҳласа, вирд (зикр)ларини ўтириб, хоҳласа туриб айтади. Уч марта истиғфор айтади. Кейин Савбон розияллоҳу анҳунинг ҳадисида келган зикрни айтади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозни тугатгач, уч марта истиғфор айтиб, кейин: **“Аллоҳумма антас салам ва минкас салам табарокта я зал жалали вал икром”**, дер эдилар»» (“Мароқил фалаҳ”).

САВОЛ: Ҳожилар Арафа куни Арафотда пешин ва аср намозини жамлаб ўқийдилар. Ана шунда пешиндан кейин унинг икки ракат суннати ҳам ўқиладими?

ЖАВОБ: Арафотда Катира масжидида бир азон ва икки иқомат билан пешиннинг аввалги вақтида пешин ва аср намозлари ўқилади. Улар орасида нафл ё суннат намозлари ўқилмайди (“Мароқил фалаҳ”).

5-бетда

Саждаи саҳв масалалари

Жаҳрий намозда махфий ўқиса

Имом қироати овоз чиқариб ўқиладиган (бомдод, шом, хуфтон) намозларида адашиб ичида қироат қилса ёки қироати овоз чиқармай ўқиладиган намозда (пешин, аср) овозини чиқариб қироат қилса, саждаи саҳв вожиб бўлади. Агар у намозларда бир-икки калима (унутиб ичида ё сиртида) ўқиса, сўнг лозим бўлган тарзда қироат қилса, саждаи саҳв вожиб бўлмайди (*“Раддул мухтор”*, 1-ж, 498-б.).

Ёлғиз ўқигувчи жаҳрий намозда махфий қироат қилса

Агар киши биринчи ракатда Фотиҳа сурасидан сўнг ташаххудни (*“Аттаҳийёт”*ни) ўқиса, унга саждаи саҳв вожиб бўлади. Агар ташаххудни Фотиҳа сурасидан олдин ўқиса,



Яхшиликка чақириш

Динимиз қариндошлар ўрта-сида силаи раҳмни мустаҳкамлашга буюради. Афсус, кейинги пайтда мол-дунёни деб бир қориндан талашиб тушган ака-ука, опа-сингилларнинг бир-бири билан юзкўрмас бўлиб кетаётганига гувоҳ бўляпмиз.

Маҳаллаамиздан бўлган ака ва сингил арзимас жанжал сабаб қаттиқ аразлашди. Ҳатто бир-бирининг тўй-маъракасига бормаи қўйишди. Ўртадаги совуқчилик ўн йилларга чўзилди. Охири оқсоқоллар билан биргаликда жигарларни яраштиришга келишдик. Олдин сингил билан, кейин ака билан гаплашдик. “Аллоҳ таоло омонатини қачон қайтариб олишини билмаймиз. Бир қориндан талашиб тушган жигарсизлар, бир-бирларининг кечирмасаларинг, эртага Аллоҳнинг ҳузурига борганда қандай жавоб берасизлар?” деб насиҳат

унга саждаи саҳв вожиб бўлмайди (*“Фатавойи Оламғирия”*, 1-ж, 66-б.).

Мунфарид, яъни намозни ёлғиз ўқиётган киши жаҳрий намозда махфий ёки махфий намозда баланд овоз билан қироат қилса, унга саждаи саҳв вожиб бўлмайди (*“Фатавойи Оламғирия”*, 1-ж, 128-б.).

Фотиҳа сурасидан сўнг бир муддат сукут қилса

Агар бир киши Фотиҳа сурасини ўқигандан сўнг бир рукн, яъни уч тасбеҳ миқдорида сукут сақласа ва ундан сўнг зам сура ўқиса, унга саждаи саҳв вожиб бўлади (*“Таҳтовий”*, 250-б.).

Иккала ракатда ҳам бир хил сура ўқиш

Агар бир киши фарз намозининг икки ракатида ҳам бир хил сурани ўқиса, унга саждаи саҳв вожиб бўлмайди. Лекин ундай қилиш макруҳдир (*“Кабирий”*, 342-б.).

Жаҳрий намозда уч оятни махфий ўқиса, сўнг ёдига тушса

Агар имом жаҳрий намозда унутиб қисқа уч оятни махфий ўқигандан сўнг овоз чиқариб ўқиш кераклиги ёдига тушса ёки бирор киши

луқма берса, кейинги оятларни баланд овоз билан ўқиши ва намоз охирида саждаи саҳв қилиш вожиб бўлади (*“Раддул мухтор”*, 1-ж, 498-б.).

Махфий намозда баланд овоз билан уч оят ўқиса, сўнг ёдига тушса

Агар имом махфий намозда, яъни пешин ёки аср намозларида қисқа уч оятни баланд овоз билан ўқиганидан сўнг махфий ўқиши лозимлиги ёдига тушса, қолганини махфий ўқийди. Унга саждаи саҳв вожиб бўлади (*“Раддул мухтор”*, 1-ж, 128-б.).

Фарзнинг охири ракатларида баланд овоз билан қироат қилиш

Фарзнинг учинчи ёки тўртинчи ракатида баланд овоз билан қироат қилса, саждаи саҳв вожиб бўлади. Гарчи фарзнинг мазкур ракатларида қироатнинг ўзи вожиб бўлмаса-да, лекин қироат қилган суратда махфий ўқиш вожиб бўлади (*“Раддул мухтор”*, 1-ж, 315-б.).

Орада бир-икки оят ташлаб кетилса

Агар қироат қилатуриб, орада

бир-икки оятни ёки бир оятнинг баъзи қисмини тарк қилса, саждаи саҳв вожиб бўлмайди (*“Фатавойи Оламғирия”*, 1-ж, 126-б.).

Уч оят ўқигандан сўнг унутиб, рукуга кетса

Агар имом бир узун оят ёки қисқа уч оят ўқигандан сўнг сура давомини унутса ва рукуга кетса, намоз дуруст бўлади. Унга саждаи саҳв вожиб бўлмайди. Агар бир рукн миқдорида ўйланиб туриб қолгандан сўнг рукуга кетса, саждаи саҳв вожиб бўлади (*“Ад-дуррул мухтор маъа Раддил мухтор”*, 1-ж, 367-б.).

Сурани бошлабоқ унутса ва бир муддат ўйланиб қолса

Агар имом Фотиҳа ўқигандан сўнг замсурани бошлаб давомини унутса ва уч тасбеҳ миқдорида ўйланиб туриб қолса, сўнг бошқа сурани ўқиб руку ва сажда қилса, саждаи саҳв вожиб бўлади. Уч тасбеҳдан оз миқдорда туриб қолса, саждаи саҳв вожиб бўлмайди (*“Фатавойи Оламғирия”*, 1-ж, 126-б.; *“Таҳтовий”*, 285-б.).

(Давоми бор...)

Ёрқинжон ФОЗИЛОВнинг
“Саждаи саҳв масалалари”
китобидан

Уч кундан ортиқ аразлаш ҳалол эмас

қилдик. Сингил бир ойлардан кейин акасиникига борди ва йиғлаб кўришишди.

Абу Ҳурайра розияллоху анху-дан ривоят қилинади: «Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Мўмин мўминдан уч кундан ортиқ аразлаши ҳалол эмас. Агар у уч кунни ўтказган бўлса, ўша билан учрашиб, салом берсин. Агар унинг саломига алик қайтарса, иккилари ажр (савоб)га шерик бўладилар. Агар саломга алик қайтармаса, у гуноҳни ўзига олган бўлади. Мусулмон эса аразлашдан чиқари”**, дедилар» (Абу Довуд ривояти).

Демак, аразлашган икки киши кўчада учрашиб қолиб, бир-биридан юз ўгириб ўтиб кетиши жоиз эмас. Мана шу икки кишининг қай бири аввал салом берса, шуни си яхшироғи бўлади. Энди хафалашган яқинлар эса бир-бирини кечир-ишга икки карра бурчлидир.

Юсуф Товаслийнинг “Ҳикматлар хазинаси” китобида шундай ривоят келтирилади: Золимлиги билан ном чиқарган Ҳажжож деган ҳукмдор бир хотиннинг эрини, ўғлини ва акасини банди қилди. Аёл фарёд қилиб, Ҳажжожнинг олдида келди.

Ҳажжож:

— Учовидан бирини афв этаман. Яхшилаб ўйлаб кўр. Қайси бирининг озод бўлишини хоҳлайсан? Эрингними, ўғлингними, акангними? — деди.

Хотин:

— Пешонамда бўлса, яна турмушга чиқарман, ўғил ҳам кўрарман, аммо онам менга бошқа ака туғиб беролмайди, — деди.

Аёлнинг оқилона жавоби Ҳажжожга қаттиқ таъсир қилди ва уларнинг ҳаммасини озод этди.

Ушбу ибратли ҳикоят қондош ака-укаю опа-сингилларнинг бир-бирига қанчалик қийматли эканини англатади. Бу баъзи меҳр-оқибатсиз қариндошларга сабоқ бўлиши керак. Қондош бўлмаган мўминларга ҳаром ҳисобланган



аразчилик иллатининг бир ота-онадан туғилган жигарлар ўртасида кузатилиши янаям оғир гуноҳдир.

Аллоҳ ҳузурида пашша қано-тича қадри йўқ бу дунё бир-биримиз билан юзкўрмас бўлиб юришга арзийдими? Асло. Шундай экан, охиратидан умидвор ака-ука, опа-сингиллар ўзаро алоқани узишдан кўрқиши, доимо борди-келди қилиши, хафалашиса, тезда ярашиб, бир-бирларини бағрига босишлари ҳамда аҳил, оқибатли жигарлар бўлиб ҳаёт кечиришлари жоиз.

Шоакрам ХУДОЙБОҚОВ,
Қуйи Чирчиқ тумани “Чинобод”
маҳалласи

Одам ўлғон
зеби зоҳирдин эмас,
Кимки андин фахр этар,
одам эмас.

Алишер Навоий

Берадиганимиз оз, сўрайдиганимиз-чи?

Иброҳим ибн Адҳам ҳазратла-
ри озод қилиш ниятида бир қул со-
тиб олди ва ундан сўради:

— Исминг нима?
— Сиз ким деб чақирсангиз, ўша-
ман, хожам, — дея жавоб қилди қул.
— Қандай таом ейсан?
— Сиз нима берсангиз, шуни ей-
ман, хожам...

— Қўлингдан нима иш келади?
— Қандай иш буюрсангиз, шуни
бажараман.
— Бирор истагинг борми?
— Қулда истак бўлиши мумкин-
ми, хожам? Хожанинг тилаги — қул-
нинг истагидир.

Бу жавобдан Иброҳим ибн
Адҳам ҳазратлари йиғлаб юборди
ва ўз-ўзига бундай деди: “Эй, мис-
кин! Сен қулликни мана шу қул-
дан ўрган! Умрингда бирор мар-
та Аллоҳ таолога шундай қуллик
қилолдингми?!”

Муҳаммад Ҳаззолий
ҳикматларидан:

Ҳаёт чангидан бўғилганингизда
Қуръони карим наф беради, шафо-
ат қилади, қадрингизни кўтаради.
Бас, уни тарк этманг.

Намоз инсон фаолиятини янада жон-
лантиришда энг кўп куч берувчидир.

**«Албатта, инсон сабрсиз қилиб
яратилгандир. Агар унга ёмонлик
етса, чидамсиздир. Агар яхшилик
етса, қизғанчикдир. Магар намоз
ўқувчиларгина мустаснодир»** (Маъо-
риж сураси, 19–22-оятлар).

Бирор кимса сизни ундан афзал
эканингизни инкор қилса, ундан хафа
бўлманг. Зеро, кўчани ёритувчи чи-
роқлар кундуз куни эсга олинмайди.

Бир туп дарахт қулса, унинг ово-
зини ҳамма эшитади. Ҳолбуки, бутун
бошли ўрмон униб-ўсса-да, унинг шо-
вуллашига ҳеч ким эътибор бермай-
ди. Демак, одамлар сизнинг ўсишин-
гизга эмас, кўпроқ қулашингизга эъ-
тибор берадилар.

Никоҳ энг ёрқин мисол:
Ислоннинг аввалида ҳалол нар-
салар осонлаштирилган. Натижада,
ҳаром ишлар қийинлашган. Бизнинг
замонамизга келиб, ҳалол ишлар қи-
йинлаштирилди. Натижада, ҳаром
ишлар осон бўлиб қолди.

Камбағал, лекин солиҳ йигитдан
қизга совчи келди. Унга розилик бе-
ришмади.

Сўнгра бадавлат йигитдан сов-
чи келди. Аммо у фосиқ эди. “Аллоҳ
ҳидоят бериб қолар”, деб розилик
беришди.

Нима учун аввалги йигитга: “Аллоҳ
ризқини кўпайтириб қолар”, дейиш-
мади? Ахир, ҳидоят берувчи Зот, ризқ
берувчи ҳам Ўзи эмасми?!

Аллоҳ йўлида садақа бериш учун
чўнтагимизнинг қайсидир бурчаги-
да қолиб кетган чақани ахтарамиз...
Сўнг Аллоҳ таолодан Фирдавс жанна-
тини ато этишини сўраймиз. Беради-
ганимиз қанчалар оз, талабимиз эса,
қанчалар буюк.

Яхшилик сизнинг назарингизда
қанчалик арзимас кўринса-да, уни
қилишдан оғринманг. Чунки қайси
бир яхшилигингиз туфайли жаннат-
га киришингизни билмайсиз.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раисининг биринчи ўринбосари
Ҳомиджон қори ИШМАТБЕКОВ
тайёрлади.



Мактубларда манзаралар

Отам Мукаррам қори Мадамино
болалигиданоқ муқаддас динимиз ва
шариатимизни чуқур ўрганишга бел
боғлаган. Балоғатга етгач, мадрасага
ўқишга кириб, ўз даврининг етук ула-
моларидан таълим олган.

Дарвоқе, отам мадрасани тугат-
гандан сўнг маълум муддат маҳалла
имомлиги вазифасини бажарган. Шу
орада уруш бошланади. 1942 йилда
отамни ҳам урушга олиб кетади.

Отам табиятан жуда ҳалим инсон
эди. Шунинг учун бўлса керак, бош-
лиқларини уни уруш майдонида-
ги ошхонага хизматга олишади. У бу
ерда астойдил ишлайди. Жангда тин-
ка-мадори қуриган аскарларга ўзбек
миллий таомларини пишириб, кўп
рахматлар эшитади. Шу боисдан бўл-
са керак, отамга бошлиқлари беш вақт
намоз ўқишлари учун шароит яратиб
беради.

Қаҳратон қиш маҳаллари фронт-
га озиқ-овқат маҳсулотлари келиши
бироз қийин кечган. Ҳарбий ошпаз-
лар эса қишлоқма-қишлоқ юриб,
сабзи, пиёз ва бошқа егуликларни
ғамлашган.

Бир куни қизиқ воқеа юз бера-
ди. Отам овқат тарқатиб энди намоз
ўқийман деса, бир ҳарбий тўппонча-
сини чиқариб ўдағайлай бошлайди.
Отам ҳангу манг бўлиб, негалигини
сўрайди. У уруш пайти ибодат қилиш

мумкин эмаслигини тушунтиради. На-
мозда Аллоҳ таолодан урушда ғала-
ба қозонишимизни, Ватанимиз туп-
роғидан душманни қувиб чиқари-
шимизни сўрайман, деб жавоб бера-
ди отам. Шундай мунозара бўлаётган
бир пайтда уларнинг олдига маши-
на келиб тўхтади ва ичидан полков-
ник тушади. Полковник ҳарбийнинг
ошпазга тўппонча ўқталаётганига ҳай-
рон бўлиб, бу ишнинг сабабини сўрай-
ди. Отам унга бўлган воқеани гапириб
беради. У бироз тин олиб, майорга қа-
раб шундай дейди: олий бош қўмон-
дон миллатдошларга дин эркинли-
гига рухсат берган. Шу билан муно-
зара тугайди.

Отамнинг омади кулади. Энди
полковникнинг шахсий ошпази бў-
либ ишни давом эттиради. У бошқа
миллат вакили бўлса-да, ўзбек мил-
лий таомларини севиб истеъмол қи-
лади. Бир куни тўсатдан полковникни
бошқа штабга ишга ўтказишади. Шун-
да катта амал эгаси бўлишига қара-
май, полковник отамнинг олдига ке-
либ миннатдорлик билдиради ва на-
мозларида дуо қилиб туришини ил-
тимос қилади.

Полковник кетгач, отамнинг

вазифаси ҳам ўзгаради. Энди у от-
аравада олдинги марраларда жанг
қилаётган аскарларга ўқ-дорила
етказиб беради. Бу жуда хавфли
юмуш эди.

Афсуски, бир куни қарама-қарши
томондан отилган снаряд отамнинг
яқинига келиб тушади. У эса тупроқ
остида қолади. Етиб келган тиббий
ходимлар тупроқ устида турган бир
тоқ керзивой этик орқали отамни
топишади. Отамнинг ўнг оёғи жа-
роҳат олган эди. Икки марта госпи-
талда даволанади. Бошқа чора қол-
магач, 1943 йилнинг ёзида отамни
Ўзбекистонга қайтаришади.

Отам қишлоққа қўлтиқтаёқда ки-
риб келади. Бу пайтда уруш туфай-
ли одамлар қийналиб турмуш кечи-
рар, эркаларнинг аксарияти урушга
кетиб, оғир меҳнат аёллар, ёш бола-
лар зиммасига тушганди. Отам кела-
дию, ишга шунғийди. Бир бурда нон
учун эрталабдан кечгача ишларди.

Отамнинг оёғидаги жароҳат бир
умр азоб берди, аммо намозини ҳеч
ҳам қанда қилмади...

Носирхон МУКАРРАМОВ,
меҳнат фахрийси

Масала

3-бетда

САВОЛ: Витр намо-
зини кечанинг охири-
да ўқиётган эдим. Учин-
чи ракатга турганимда,
бомдод намозига азон
айтилди. Намозим ду-
руст бўлгани ёки қайта-
дан ўқийманми?

ЖАВОБ: Намозингиз
дуруст бўлган. “Намозни
вақтида ўқиётганда, ке-
йинги вақт намозининг
вақти кириб қолса, ўқи-
лаётган намоз бузилмай-
ди. Фақат бомдод намо-
зи ўқиётганда қуёш
чиқиб қолса, намоз бузи-
лади” (“Жомийур румуз”).

Қуйидаги ҳолатларда
намоз бузилади:

— бомдод намози ўқи-
лаётганда қуёш чиқиб
қолса;

— жума намози ўқи-
лаётганда асрнинг вақти
кирса;

— узр соҳиби фарз на-
мозларидан бирини ёки
витрни ўқиётганида ўша
намознинг вақти чиқса.
Чунки узр соҳибининг
тахорати фарз намози-
нинг вақти чиқиши би-
лан синади ва ўқиётган
намози фосид бўлади;

— ҳайит намози ўқи-
лаётганда завоп пайти
кирса.

Мазкур тўртта ҳолат-
дан ташқари ҳолларда
фарз ёки вожиб намо-
зини ўқиётганда, ўша
намознинг вақти чиқиб
кетса, намоз дуруст ва ўз
вақтида ўқилган бўла-
ди. Аммо шуни ҳам таъ-
кидлаш жоизки, намоз-
ни узрсиз охириги вақти-
га қадар кечиктириш гу-
ноҳ саналади. Ҳар бир
намозни ўз вақтида ўқиш
— фарз.

САВОЛ: Бомдоднинг
фарзида адашиб та-
шаҳхуддан кейин ўнг та-
рафга салом бериб юбор-
дим ва дарҳол адашга-
нимни билиб, намозни
давом эттирдим. Намо-
зим тўғри бўлганми?

ЖАВОБ: Намозингиз
тўғри бўлган. “Аттаҳи-
ёт”дан кейин ўнг тараф-
га салом берганингиз
сабабли саждаи саҳв во-
жиб бўлмайди. Чунки та-
шаҳхуддан кейин сала-
вот ва дуо ўқиш — суннат,
вожиб эмас.

7-бетда

Экстремизм дунё микёсида жиддий хавфга айланиб, турли усуллар орқали ёшлар онгини эгаллашга уринмоқда. Интернет имкониятлари бу борада ёвуз кучларга қўл келаётир. “Уяли телефонида тақиқланган диний экстремистик материалларни сақлаб олибди, тарқатибди”, деган гаплар қўлоғимизга тез-тез чалинади. Бу ёшларимиз онгида ғоявий бўшлиқ мавжудлигидан далолат бўлиб, жиддий ташвишланарли ҳолатдир.

Имло саводхонлиги

“Фойдали”, “фойдали” ёки “фойдали”?

Баъзан оғзаки ёки ёзма нутқда қўшимчалар қўллаш билан боғлиқ хатоларга дуч келамиз. Улар кўпчилигимизга арзимасдек кўринса-да, аслида жиддий хато ҳисобланади. Ана шундай хатолардан бири -ли ва -лик қўшимчаларини қўллашда кузатилади. -ли сўз ясовчи қўшимчаси сифат, -лик сўз ясовчи қўшимчаси эса от сўз туркуми ҳосил қилишда ишлатилади. Бундан ташқари, -ли ва -лик қўшимчалари ёрдамида сўзлар ёзувда ҳам, мазмунда ҳам фарқ қилади:

- болали – боласи бор киши
- болалик – ёшлик, болалик даври
- белбоғли – белбоғи бор киши
- белбоғлик – белбоғ бўладиган мато
- кийимли – кийими бор киши
- кийимлик – кийим бўладиган мато
- тоғли – тоғлари бор жой
- тоғлик – тоғ ҳудудида яшовчи киши

Демак:

фойдали | foydaliy ✗
фойдали | foydalik ✗
фойдали | foydali ✓

“Тўғри ёзамиз – мутахассис блоги” каналидан олинди

Ибрат

Нодир синглиси Нафисани мактабдан олиб қайтаркан, телефонидан Қуръон тиловатини қўйиб берди. У доим синглисига: “Қуръон эшитсанг, юзингдан нур таралиб туради”, дерди.

Кунларнинг бирида Нодир шамоллаб ётиб қолди. Нафисани бу сафар мактабдан дадаси Комил ака олиб қайтди. Улар йўлда келишаркан, қизалоқ акасининг одатини эслади. “Дадажон, телефонингизни бериб туринг, Қуръон эштай. Юзим нурли бўлишини истайман, акам ўргатган”, деди Нафиса. Қизининг бу сўзларидан Комил ака севиниб кетди. Унга қўлоқчин тақтириб, пешонасидан ўпиб қўйди.

Бироз юришгач, йўл четида тўпланиб турган ўсмирлар ёнидан ўтиб қолишди. Уларнинг

Бугунги кунда сохта салафийларнинг мусулмонларни куфрда айблаши, улар яшайдиган диёрларни куфр шаҳри деб эълон қилишлари натижасида Ислом умматлари ўртасида турли тафриқалар келиб чиқмоқда. Билиб-билмай ушбу фирқаларнинг таъсир доирасига тушиб қолган баъзи ёшларнинг бундай хато йўлдан қайтиши жуда қийин кечмоқда. Сохта салафийлар жамиятни иккига: “мусулмон” ва “динсизлар”га ажратади. Бу билан бошқа диндагиларни душман

ЁТ ҒОЯ – ОНГГА СОЯ

санаб, динлараро адоват уйғотишга уринади. Улар нафақат бошқа дин вакиллари, балки шариат ҳукмларини улар ўйлагандек тўлиқ бажармаётган мусулмонларга нисбатан ҳам зўравонлик сиёсати олиб боради.

Исломда бирон бир мусулмонга тажовуз қилиш ёки уни ноҳақ ўлдиришга асло рухсат берилмаган. Аллоҳ таоло бундай огоҳлантиради: **“Ким мусулмонни қасддан ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамдир. У ерда узоқ вақт қолади. Унга Аллоҳнинг ғазаби ва лаънати бўлсин! Ҳамда У (Аллоҳ таоло) унга улкан азоб тайёрлаб қўйгандир”** (Нисо сураси, 93-оят).

Шундай экан, ўзларига Қуръон ва ҳадиси шарифларда келган чиройли номлар қўйиб, чин маънодаги мусулмонликни даъво қилаётган турли хил оқимларнинг ёт ғояларига алданишдан огоҳ бўлиш зарур.


Фарзандлар – келажагимиз. Шу маънода уларни билимли, касб-хунар эгаси

этиб тарбиялаш зиммамиздаги ўта муҳим вазифадир. Зубайр ибн Абу Бакр айтади: «Отам Ироқдан менга ёзган мактубида бундай насиҳат қилган эди: “Илм ўрган, зеро, фақир чоғингда у мол, бой вақтингда жамол – зийнатдир”».

Болаларимизни жаҳолат сиртмоғидан асрашнинг бирдан-бир тўғри йўли уларга Ислом динининг моҳиятини англаштириш. Ёш авлодга муқаддас динимиз этиқод софлиги, тинчликпарварлик, бағрикенглик, юртга содиқлик, ота-онага ҳурмат, оила аъзоларига ғамхўрлик, уларни турли ёмонликлардан ҳимоялаш, хуш хулқилик каби эзгу тушунчаларга асосланишини сингдириш лозим. Шу йўл билан уларни ёт ғоялар таъсиридан асрашга эришамиз.

Исmoil ШОДМОНОВ,

Касби тумани “Хўжахайрон ота” жоме масжиди имом-хатиби



Ҳақиқий эркакча иш

ўзаро беодобона сўкиниб гапиришлари шундоққина эшитилиб турарди. Комил ака безовта бўлиб қизчасига кўз қирини ташлади. Хайрият, қўлоғида қўлоқчини бўлгани учун Нафиса уларнинг гапларини эшитмади.

Комил ака ўсмирларга разм солди: улар йўлдан ўтаётган одамларга парво ҳам қилишмасди. Комил ака қўли билан Нафисага кетаверишини ва ортидан етиб олишини ишора қилиб, ўзи ўсмирларнинг ёнига борди. “Йигитлар, сизларда гапим бор... Тасаввур қилинг, онангиз, опангиз ё синглингиз кўчада кетяпти. Тенгқурларингиз бир-бирлари билан уятсиз, бе-маъни сўзларни гаплашишяпти. Онангиз ё опа-синглингиз қай

аҳволга тушарди? Уялганидан қўлоқларини беркитганча у ердан узоқлашади. Уларнинг шу тарзда таҳқирланишини қабул қила оласизми? Сиз бу ерда таниш-нотаниш аёл-қизлардан тортинмай сўкиниб ўтирган бўлсангиз, бошқа жойда, бошқа пайтда опа-синглингиз шундай ноқулай ҳолатдан жабр чекмоқда. Чунки кўчада сизга ўхшаган оғзи бепарда ёшлар кўп. Бу ҳолат сизга ёқадими? Албатта, ёқмайди.

Сизларга ҳақиқий эркакнинг ишини ўргатайми? Агар бу ода-тингизни ташласангиз, бошқа тенгдошларингиз ҳам сиздан ибрат олишади. Ибрат олмаганига эса яхши гап билан тушунтирасиз. Бу кор қилмаса,

эркакча гаплашасиз. Натижада бу иллат камайиб-камайиб, охири йўқолади. Нима дейсизлар, шундай қилса бўладими?” деди Комил ака. Ўсмирлар хижолат чекканча бош ирғашди...

Комил ака ўғитлари ёшларга таъсир қилганидан мамнун бўлиб, улардан узоқлашди. “Балли, Нодирбек, Қуръон билан синглингининг қалбини муҳофаза қилибсан. Қанийди, бошқа йигитлар ҳам сендек ориятли, иймони бутун бўлишганида, қизларимизнинг кўнгил ойнасига шикаст етишидан хавотир олмасдик”, дея ич-ичидан ўғлидан миннатдор бўларди.

Сардор ҚУРБОНОВ,

Тошкент шаҳри

Жинлардан сақланиш йўллари

Аллоҳ таоло биз инсонларга ҳамма нарсани кўриш, эшитиш, билиш қобилиятини бермаган. Шунинг учун баъзилар кўрмаганига, эшитмаганига, билмаганига ишонмайди. Биз мусулмонлар ғайбга, яъни биздан яширин нарсаларга ишонишимиз билан улардан ажралиб турамыз. Ваҳоланки, биз кўрмасак-да, эшитмасак-да, билмасак-да ҳақиқатда бор, борлиги далиллар, тўғри хабарлар, ақл билан тасдиқланган мавжудотлар кўп. Жинлар ҳам биз кўролмайдиган нарсалар жумласидандир. Биз мусулмонлар жинлар борлигига ишонамиз, уларнинг борлигига ишонмаслик мусулмончиликка зиддир.

Жинлар ҳам биз инсонлар каби Аллоҳ таоло яратган махлуқотлардандир. Биз инсонларнинг аслимиз тупроқ, жинлар эса оловдан яратилган. Улар ҳам Аллоҳ таолога итоат қилишга маъмурдир. Улардан ҳам мусулмон бўлганлари ва кофирлари бор. Улар ҳам ҳамма инсонлар каби Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам шариатларига бўйсунушга буюрилган.

Аллоҳ таоло жинларга турли шакл ва суратларда кўриниш имконини берган. Улар туя, сигир, от, кўй, эшак, қуш, ҳатто одам шаклида ҳам кўриниши мумкин. Ҳадисларда ана шундай дейилган.

Жинлар нопок жойларда, гуноҳ содир этиладиган манзилларда кўним топади. Жинларнинг озукаси ҳалол сўйилган ҳайвонларнинг суягидир.

Жинлар ҳам тоатларига яраша савоб олади. Агар гуноҳ қилса, азобланади: **«Орамизда мусулмонлар ҳам бор, (шунингдек) орамизда (йўлдан) озганлар ҳам бордир. Бас, кимки мусулмон бўлса, демак, айнан ўшалар тўғри йўлни мақсад қилиб олибдилар. Аммо (йўлдан) озганлар эса, бас, улар жаҳаннамга ўтин бўлувчи кимсалардир»** (Жин сураси, 14–15-оятлар).

Жинларнинг савоби дўзах оташидан халос бўлишдир. Дўзах оташидан халос этилган жинлар тупроққа айлантирилади. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **«(Эй Муҳаммад) айтинг: “Менга ваҳий қилиндик, албатта, жинлардан бир неча нафари қулоқ осдилар ва: “Биз ажойиб Қуръонни эшитдик. У тўғри йўлга ҳидоят қилур. Бас, биз унга иймон келтирдик ва ўз Раббимизга ҳеч кимни шерик келтирмасмиз”, дедилар»**» (Жин сураси, 1–2-оятлар).

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Тезак билан ҳам, суяк билан ҳам истинжо қилманглар. Улар жин биродарларингизнинг зоди (озукаси)дир”**, дедилар (Имом Муслим ва Имом Термизий ривояти).

Жинлар одам танасига кирадими? Бу борада уламолар турлича жавобларни беришган. Баъзилари киради дейишган бўлса, баъзилари кирмайди деганлар.

Уламоларимиз жинлар таъсиридан сақланишнинг ўн йўлини баён этишган:

1) Аллоҳ таолодан уларнинг таъсиридан асрашни сўраб дуо қилиш;

2) Муаввазатайн (Қуръони каримнинг охириги икки сураси)ни ўқиш;

3) Оятул Курсийни ўқиш;

4) Бақара сурасини ўқиш;

5) Бақара сурасининг охириги оятини ўқиш;

6) Муъминун сурасининг биринчи оятини ўқиш;

7) **“Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳ. Лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ғала кулли шай’ин қодийр”**ни юз марта такрорлаш;

8) Аллоҳ таолони доимо ёд этиш;

9) доимо таҳоратли ҳолда бўлиш (таҳорати бузилиши билан қайта таҳорат олиш);

10) кўзни ҳаромдан, тилни ортиқча сўздан, қоринни эса, ортиқча таомдан тийиш.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керак, жинларга атаб бирор жонлиқ сўйиш жоиз эмас. Жинларга (момоларга) атаб сўйилган жонлиқ гўшти ҳаром бўлади.

Аллоҳ таоло бизларнинг ақлимизни ёт фикрлардан, қалбларимизни бузуқ эътиқодлардан, тану жонимизни дарду иллатлардан ва жинлар таъсиридан ўз паноҳида асрасин. Омин.

Манбалар асосида Наманган вилояти бош имом-хатиби ўринбосари
Акмалхон АҲМЕДОВ
тайёрлади.

Масала

6-бетда

САВОЛ: Берган қарзларимни кечиб юборсам бўладими ё олишим шартми?

ЖАВОБ: Берган қарзингизни кечиб юборсангиз, қарздор қарзидан қутулади, сиз эса улкан ажрга эга бўласиз. Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким (қарздор) камбағалга муҳлат берса ёки унинг қарзидан кечса, Аллоҳ таоло Қиймат куни Ўз Аршии сояси остида уни соялантиради”**, дедилар (Имом Термизий ривояти).

САВОЛ: Уйимизда яроқсиз аҳволга келиб қолган турли тақвимлар, оят-ҳадислар ёзилган газеталар бор. Уларни ташлаб юборсам гуноҳкор бўлмайманми?

ЖАВОБ: Яроқсиз аҳволга келиб қолган бундай адабиётларни ерга кўмиш мумкин. Уламолар айтадилар: “Қуръон оятлари ёки Аллоҳ таолонинг ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборақ исмлари ёзилган қоғоз ва китобларнинг юзига тўғридан-тўғри тупроқ тортилмайди. Балки худди майитни дафн қилгандек бир чуқур қазиб, унинг ён тарафидан ғовак ковлаб, ўша ерга қўйилади, сўнг тупроқ тортилади”.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази. Тел. 78-150-33-44

Бугуннинг гапи

1-бетда

У тонг отар вақтида ёнбошлаб ётган эди. Шунда у зот: **“Эй қизим, Раббинг ризқига гувоҳ бўл, ғафлатда қолма. Чунки Аллоҳ таоло бу вақтда тонг отиб кун ботиши орасидаги ризқларни тақсимлайди”**, дедилар (Имом Байҳақий ривояти).

Ялқов, лоқайд, бепарво кишилар учун вақтнинг қиймати йўқ. Улар ҳаёт берган энг қимматли неъматни шамолга совуришга, умрини маъносиз ишларга сарфлашга одатланишган. Зотан, умрнинг, вақтнинг уволи, жавобгарлиги бор. Бу эса вақт ўтиб кетганидан кейин билинади.

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қиладилар: **“Беш нарсани беш нарсадан олдин ғанимат билинг: кексаликдан олдин ёшликни, бетобликдан олдин саломатликни, фақирликдан олдин бойликни, бандликдан олдин бўйи вақтингни, ўлимингдан олдин тирикликни ғанимат билинг”** (Имом Ҳоким ривояти).

Ушбу ҳадиси шарифдан англашиладики, инсон умри давомида вақтни ғанимат билиши шарт экан. Агар киши елдек ўтаётган умрининг ҳар дақиқасини қадрласа, кексайган чоғида афсус-надоматлар чекмайди. Шунинг учун вақт деб аталган неъматдан улуғ бир ҳикмат, ибрат ва таълим олиб яшаш керак. Халқимизда “Вақтинг кетди, бахтинг кетди”, деган мақол бор. Вақт — буюк бахт. Уни қўлдан чиқариш эса катта мусибатдир.

Бугун ахборот технологиялари жадаллик билан ҳаётимизга кириб келди. Албатта, унинг фойдали жиҳатлари кўп. Аммо унга мубтало бўлганларнинг умрини емириши, ҳиссиз, лоқайд ва ялқов қилиб қўяётгани ҳам бор гап. Виртуал олам чангалига тушган кишилар вақтини бесамар ўтказиб, ўзига зулм қилмоқдалар. Ачинарлиси, баъзи ёшлар эрталабдан кечгача интернет қаршисида ўтиришни “илм”

деб баҳоламоқдалар. Улар гулдай умрини турли ижтимоий тармоққа бағишлаб, сабот билан илм эгаллашни унутиб қўймоқдалар. Шунинг учун ёши катталар, оталар ва оналар фарзандлари таълим-тарбиясига бепарво бўлмасликлари, уларнинг вақтларини тўғри, фойдали амаллар қилишга сарфлашни ўргатишлари лозим. Негаки, бугунги кунимиз ва порлоқ келажагимиз ҳар томонлама билимли, салоҳиятли фарзандларимиз кўлида. Бу ҳақда Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари бундай деб марҳамат қилганлар: “Ким вақтини зое кетказса, вақт унинг душманига айланади, нафаснинг зое бўлишига йўл қўйманг ва ундан эҳтиёт бўлинг”.

Ҳа, оқил киши вақтга жуда

зиқна бўлиши, унинг бекор ўтишига йўл қўймайди. Шу бугун, айна дамни кўпроқ фойдали, самарали ишга сарфлайди. Зотан, бу биз учун боқий қадрият. Улуғларимиз “Дам — шу дамдир, ўзга дамни дам дема”, деб уқтирганлар.

Ҳошимхон АМАНОВ,
Имом Бухорий номидаги Тошкент
ислом институти ўқитувчиси.



Юсуф жуда хушрўй эди. Унинг довуғи бутун Мисрга ёйилди. Уни кўрган киши: “**Ё Парвардигор! Бу башар эмас! Бу карамли фариштаннинг ўзи-ку!**” дер эди.

Кунларнинг бирида ҳокимнинг хотини Юсуфни хиёнатга чорлади. Юсуф эса бош тортди: “Хўжайнимга хиёнат қилмайман. У менга кўп яхшилиқ қилди. Албатта, мен Аллоҳдан кўрқаман”, деди. Аёл бундан қаттиқ ғазабланди. Сўнг Юсуфни хиёнатда айблаб, эрига шикоят қилди. Ҳоким бу гапнинг ёлғонлигини, Юсуфнинг ростгўйлигини билиб, хотинига: “**Албатта, сен адашгувчилардан бўлдинг**”, деди.

Аёлнинг баттар жаҳли чиқиб, Юсуфга: “Ундай бўлса, сен зиндонга тушасан!” деди. У: “**Мен учун қамоқ яхшироқдир**”, деб жавоб берди.

Орадан кўп ўтмади. Ҳоким Юсуфни зиндонга жўнатди. Аммо у Юсуфнинг айбсиз эканини биларди.

Зиндондаги мавъиза

Юсуф зиндонда... Унинг олий-жаноблигини одамлар билишди. Қолаверса, юксак илм соҳиби ҳамда тушлар таъбирини яхши билар эди. Ҳаммага раҳмдил бўлгани учун қамоқ аҳли Юсуфга меҳр қўйишди.

Кунларнинг бирида Юсуф

билан бирга зиндонда ўтирган икки киши туш кўрди. Бири: “**Мен тушимда шароб тайёрлаб юрибман**”, деди. Бошқаси: “**Мен бошимда нон кўтариб юрибман, қуш ундан емоқда**”, деди. Икковлари тушлари таъбирини Юсуфдан сўрашди.

Ўша пайтларда одамлар ўзлари тўқиб олган худоларга сиғинардилар. “Бу қуруқлик худоси, бу денгиз худоси, бу ризқ худоси, бу ёмғир худоси”, деб ўзларини ишонтирар эдилар. Юсуф буларни кўриб, ачинар, баъзан йиғлар эди. Уларни ёлғиз Аллоҳга ибодат қилишини кўпдан бери хоҳларди. Ўзига-ўзи бундай деди: “Булар эҳтиёжи туфайли олдимга келди. Ҳожатмандлар ҳалим бўлади, гапга қулоқ солиб, итоат этади. Агар уларга бирор гап айтсам, ўзлари ҳам, зиндон аҳли ҳам эшитади”.

Сўнг шошмай, даъватни бошлади: “**Бу иш** (тушларни таъбир қилиш) **менга Раббим ўргатган нарсалардандир**. Аллоҳ таоло илмни ҳаммага ҳам беравермайди. Масалан, мушриклар бу неъматдан маҳрум. Нега Раббим буларни менга ўргатганини биласизларми? Мен ширк аҳлининг йўлларини тарк этдим. **Ва оталарим Иброҳим, Исҳоқ**

ва Яъқубнинг миллати – динига эргашдим. Биз учун Аллоҳга бирор нарсани шерик қилиш мумкин эмас. Бу бизга ва одамларга Аллоҳ берган фазл эди. Лекин одамларнинг кўплари шукр қилмаслар. Улар: “Қуруқлик худоси, денгиз худоси, ризқ худоси, ёмғир худоси”, дейишади. Биз эса: “Аллоҳ – оламлар Рабби”, деймиз. **Турли-туман Рабблар яхшими ёки ёлғиз Қаҳҳор сифатли Аллоҳми?!**

Қуруқлик худоси, денгиз худоси, ризқ худоси, ёмғир худоси қаерда? **Менга кўрсатинг-чи, улар ердан нимани яратдилар? Ёки осмонларни** (яратишда) **иштироклари борми?** Ахир, осмонга, ерга, одамларга қаранглар. **Бу Аллоҳнинг яратганидир. Қани менга кўрсатинг-чи, Ундан бошқалар нимани яратдилар?** Қандай қилиб қуруқлик, денгиз, ризқ, ёмғир худолари бўлади? Ахир булар ўзингиз ва

ота-боболарингиз номлаб олган исмлар-ку! Ҳукм, мулк, ер ва барча нарсалар Аллоҳникидир. **У фақат Ўзигагина ибодат қилишингизни буюрди. Мана шу тўғри диндир. Лекин одамларнинг кўпи билмаслар**”.

Юсуф шуларни айтгач, тушларнинг таъбирига киришди: “**Сизлардан бирингиз хожасига соқийлик қилади. Бошқаси бўлса, осилади ва қушлар унинг бошидан ейди**”.

Сўнг уларнинг бирига: “**Хожанг ҳузурида мен ҳақимда гапир**”, деди.

Иккови чиқиб кетди. Бири подшоҳга соқий бўлди, иккинчиси осилди. Соқий Юсуфни ҳеч эсламади. Юсуф эса, зиндонда узоқ йиллар қолиб кетди...


(Давоми бор.)

Абул Ҳасан Али Ҳасан Надавийнинг “Пайғамбарлар қиссаси” китобидан Анвар АҲМАД таржимаси.

Яхшилар айбидан кўз юмгин ҳар он,
Ҳасад кўзи билан боқмагил, зиён.
Ўз айбинг кўрмоққа юз марта кўз оч,
Ўзгалар айбиги кўз очишдан қоч!

Муҳаммад Ҳусайн

Ошқозон яраси қийнаганида



Ошқозон ярасидан фориғ бўлиш учун 500 грамм майиз, 500 грамм ёнғоқ мағзи, 300 грамм алоэ барги қиймалагичдан ўтказилиб, унга 100 грамм какао, 500 грамм тоза асал, 500 грамм сариеғ қўшилади ва яхшилаб аралаштирилади. Тайёр бўлган малҳамдан биринчи ҳафтада бир чой қошиқдан кунига

уч маҳал таомдан олдин истеъмол қилинади. Иккинчи ҳафтадан эса бир ош қошиқдан бир маҳал ичилади.

Қонни тозалашда фойдали

1 стакан сутни қайнатгач, майда тўғралган 2 бўлакча саримсоқпиез солинади ва идишнинг қопқоғини ёпиб, 10 дақиқа дам берилади. Ушбу дамлама ҳафтасига 1 мартадан ичиб турилса, қон томирларини тозалайди, гижжалардан халос қилади ва йўтални бар-тараф этади.


Бўғимлар оғриганида

Бўғимларда оғриқ пайдо бўлганда, 1 дона лимонни 3–4 бўлак-

ка бўлиб, икки кун оёқларингизга компресс қилинг. Учинчи кун эса бўғимларингизга “Вишневский” мазини суртинг.

Оёқ кўп терласа...

Оёқ терлашидан озор чекаётган бўлсангиз, 1 литр илиқ сув, 6 томчи йод, 4 ош қошиқ тузни аралаштиринг ва унга 5–10 дақиқа оёқларингизни ванна қилинг.



Товон ёрилганида

Совуқ таъсирида товон қуруқшаб ёрилса, бир қошиқдан кокос ёғи, лимон суви, вазелин аралашмасини оёқларга суриш ва



Шифо Аллоҳдандир

пайпоқ кийиб, 15–20 дақиқа кутиш тавсия этилади.

Болалар учун фойдали бўтқа



Кечқурун зиғир уруғини сувга солиб қўйиб, эрталаб унга банан ёки бошқа мева (қулупнай, малина) қўшиб блендердан ўтказилса, болалар учун фойдали бўтқа пайдо бўлади. У гижжаларни ҳайдайди, қабзиятни даволайди, ички аъзоларни токсинлардан тозалайди.

Muassis:

O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: Sultonbek IMOMNAZAROV

Шамсуддин Нур

Bosh muharrir: Abdul Jalil XO'JAM

Tahrir hay'ati:

Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR
Sodiq TOSHBOYEV
Homidjon ISHMATBEKOV
Shayx Abdulaziz MANSUR
Jaloliddin HAMROQULOV
Obidjon QODIROV
Muhammadolim MUHAMMADSIDDIQOV
Muhammadsharif JUMAN
Xolmat ATABAYEV
Komiljon BURXONOV
Tolibjon NIZOMOV
Hikmatulloh TOSHTEMIROV
Muzaffar KAMOLOV
Azizbek XOLNAZAROV
Jamoatchilik kengashi
Alisher ESHIMOV
Islomiddin ZUHRIDDINOV
Rustam JAMILOV

Toshkent—100069, Zargaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda 0017-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir: Nigora MIRZAYEVA
Musahhiha: Zabo OMONOVA
Sahifalovchi: Komiljon MAHMUDOV
Ekspertizaga berildi: 25.01.2024
Xulosa (№03-07/517) olindi: 02.02.2024
"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 12.400
24-3/3-buyurtma.
Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Zargaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор. Ножоиз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!



في الجريدة آيات وأحاديث. لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!